

**Қатағон исканжасида**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, “Хотира ва қадрлаш” бўлими мудири; **Д.Шайхитдинова.***

Ҳар қандай миллат, халқ ўзи босиб ўтган йўлнинг ютуғу зафарларини, йўқотиш ва курбонларини, қувончу изтиробларини холис ва ҳаққоний тарзда билса, унинг онгу шуурида тарихий адолатга ишонч, инсонийлик фазилатлари шаклланади. Маънавий олами кенгайиб, бугунги кун қадри ва аҳамиятини теран англайди.

Истибдод тузуми даврида қатағон даҳшатларини кўрмаган, билмаган ҳозирги авлод уша вақтларда одамлар бошидан кечирган кўргиликларни , улар гирифтор бўлган балоларни билишмайди.

Намангандан ҳам бўхтон билан қамалганлар кўпчилик эди. Атоқли адиб ва олим Исҳоқхон Ибрат , Ўзбекистоннинг биринчи халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизода , 1920 йиллар поэзиясини безаган шоир Рафиқ Мўмин , ўзбек шеъриягининг ёрқин юлдузи Усмон Носир, таниқли шоир ва журналист Лутфулла Олимий ва бошқалар.

Бундан ташқари, кўплаб раҳбар ходимлар, фан маданият ва маориф намояндадари , журналистлар , хизматчилар, адлия ходимлари, оддий косиблар, турли соҳа вакилларини ноҳақ қамоққа олишган.

Қатағоннинг шафқатсиз сиртмоғи кексани ҳам, ёшни ҳам,хатто аёлларни ҳам ўз домига тортди. Ана шулар орасида иқтидорли журналист Собира Холдорова ҳам бор эди.

Собира Холдорова 1907 йилда Чустда дехқон оиласида дунёга келган. 1911 йилда унинг отаси вафот этади. Шундан сунг у онаси Комила ая билан тоғасининг уйига кўчиб ўтишга мажбур бўлади. 1918 йилда Туркистонда бошланган талотўпларда Собиранинг тоғаси ҳам вафот этади. Собира ва онаси яна кўчларини йиғишириб, Қўқондаги узоқ қариндошиникига йўл олишади.

Собира 1921 йилгача интернатда таълим олиб, тарбия топган. Ўқиши давом эттириш мақсадида, 1923 йилда Тошкентга кетган.

«Янги йўл» газетасида биринчи журналист аёл сифатида иш олиб борган ва эл назарига тушган.

1925 йилда бу газета журналга айлантирилди. Собира “Янги йўл” журналининг биринчи муҳарири, 1925 йилнинг июль ойида энг нуфузли “Қизил Ўзбекистон” газетасида бўлим мудири лавозимларида ишлади.

1926 – 1929 йилларда Собира Холдорова Москвадаги журналистика институтида таҳсил олган. У Ўрта Осиё Республикалари маҳаллий миллатлари зиёлиларидан чиққан биринчи журналист сифатида 1929 йил августда олий маълумот тўғрисидаги дипломни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Собира Холдорова Москвада бўлган вақтда Сайд Аҳмад Назаров билан оила қуради. Бир йил ўтиб улар ўғилли бўлишади ва Муроджон деб исм қўйишиади.

Бироқ бу хурсандчиликлар уларга татимайди. Ўша йили унинг турмуш ўртоғи Сайд Аҳмад Назаров Мунаввар Қори иши бўйича қўлга олинади. Узок тергов жараёнидан сунг, ў отиб ташланади. Собира қўлида ёш боласи билан кўзида ёш билан Ватанига қайтади...

Кейин Собиранинг ўзининг ҳам. 1937 йил 9 сентябрда Лабашев, Саидов, Лусников каби бир гурух кимсалар Кузнецов раҳбарлигига мажлис ўтказади. Унда Собира Холдорованинг иши кўрилади. Собира Холдорова уша вақтда 30ёшда эди. Тергов ишлари бир ярим йил давом этган. Матонатли аёл қўйилган сохта айбларни рад этди. Унга гўё аксинқилобий

троцкийчи

ташкилотга аъзо бўлган, эри Мўмин Усмонов билан бирга шўро тузумига қарши иш олиб борган, деган айловни қўйишиган. Бундан ташқари, дохий яратган ғоя ва қарашларни ўзбек тилига таржима қилишда ва тарғиботида қасдан камчиликларга йўл қўйган, деб ҳам айблашган.

Собира Холдорова 1937 йил октябрь ойида бир неча кун уйқусиз, овқатсиз, сувсиз тик туриши ва терговчилар томонидан тинимсиз

калтакланиши оқибатида ақлинин йўқотган эди. Бу касаллик унга умрининг охиригача ҳам жуда кўп азоб берди. 1939 йил 29 марта Собира Холдорованинг айблов баённомаси тасдиқланиб, унга ЎЗССР ЖК нинг 63 – 67 моддалари қўлланади. 1940йил 5 декабрь куни унинг иши ИИХК қошидаги машъум “учлик” томонидан қўрилиб, журналист 10 йилга олис Ёқутистон ўлкасига сургун қилинди.

Унинг 12 ёшли ўғли, 5ёшли қизи ҳам отадан, ҳам онадан ажраб, чирқираб қолишади.

1942 йилда Собира Холдорова ақлинин йўқотганлиги сабабли сургундан қайтиб келади. Қамоқдан келгандан кейин ҳам унга тинчлик беришмайди, 1949 йилда уни Тошкентдан чиқиб кетишга мажбур қилишади.

Собира Холдорова ўз шаънини ҳимоя килиш учун юқори органларга кўп маротаба шикоятлар қилди, лекин бесамар кетди.

Ниҳоят, 1956 йил 22 – июнь куни Собиранинг иши Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий трибунали томонидан қайта қўриб ва у оқланди. Уша йилнинг ноябрь ойида Собира Холдоровага ўзининг ва турмуш ўртоғининг оқлангани хақида мактуб келади. Бироқ бу пайтда у терговда орттириб олган оғир билан курашаётган эди.

Собира Холдорованинг бошида ҳаётнинг аёвсиз калтаклари синди. Унинг гуллаган ёшлик даври хазон бўлди. Шундай бўлсада, Собира ортга чекинмади. Ўзига қўйилган айбловлар аслида, тухмат ва бухтон бўлганини исботлади. Маълумотларга кўра, Собира Холдорова 1984 йилда вафот этган.

Мамлакатимиз истиқтолга эришгандан сўнг ўтмишда айбсиз айбор бўлган ватандошларимизнинг пок номлари тикланди.

Мустабид тузум даврида бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлгани, оилаларни хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

#### **Фойдаланилган манбалар:**

1.Қатағонлик Наманганиклар тақдирида.

Латифа Аҳмадалиева.Эркин Қорабоев. Рисола.

Наманган . 2014 йил.

2."Кулфатли қисмат". А. Халилбеков."Наманган ҳақиқати".2007 йил 29 август.

3.Шаҳидлар шаъни муқаддас". "Заковат" газетаси. 2020 йил 20 апрел.